

ЖУМА МАВЪИЗАСИ
“17” февраль, 2017 йил



Усмонхон АЛИМОВ
“20” Жумодул аввал, 1438
ҳ.й.

ЁШЛАРНИ ИЛМГА ЙЎНАЛТИРИШ – ДИНИМИЗ ТАЛАБИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Мухтарам жамоат! Илм олиш динимизда энг улуғ ибодатлардан саналади. Чунки банда илм воситасида Раббисини танишга, У зотнинг буйруқларини бажаришга, шунингдек, барча мавжудотларга тааллуқли бўлган ҳақларни адо этишга муваффақ бўлади. Бирор бир дин илм олишга Ислом динидек тарғиб қилмаган. Шунингдек, Ислом дини жаҳолатга қарши илм-маърифат билан курашишга катта эътибор қаратган. Илк нозил бўлган ваҳийнинг “**Ўқи**” деб нозил бўлиши сўзимизнинг ёрқин далили бўла олади. Ўқиш – илмнинг калитидир.

Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни пайғамбар қилиб юборган пайтни эсга олайлик. Одамлар жаҳолат ботқоғига тамоман ботган эди. Жоҳилиятнинг бу ҳолатини ёритишга тарихчиларнинг қалами ўтмаслик қилади, дейилган. Аллоҳ таоло уларнинг бу ҳолатини Қуръони каримда шундай баён қилган:

وَكُنْتُمْ عَلَىٰ شَفَا حُفْرَةٍ مِنَ النَّارِ فَأَنْقَذَكُمْ مِنْهَا

Яъни, “**Дўзах чоҳи ёқасида турганингизда, сизларни ундан қутқарди**”, (Оли Имрон сураси, 103-оят).

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло илм дини бўлмиш Ислом дини билан инсониятни жаҳолат зулматидан Ислом нурига олиб чиқди. Ислом дини илмни имонга тасдиқ, амалга эса йўлбошчи қилган диндир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир мусулмон киши илм олиши фарз экани ҳақида шундай деганлар:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: طَلَبُ الْعِلْمِ

فَرِيضَةٌ عَلَىٰ كُلِّ مُسْلِمٍ. (رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ)

Яъни, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “**Ҳар бир мусулмон кишига илм талаб қилиш фарздир**”, дедилар”. Ибн Можа ривоят қилган

Ислом дини диний ҳамда дунёвий илмга умумий даъват қилиб, динда фақиҳ бўлишликка алоҳида урғу берган. Имом Бухорий ва Муслим раҳматуллоҳи алайҳумолар ривоят қилган ҳадисда шундай дейилган:

عَنْ مُعَاوِيَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: « مَنْ يُرِدِ اللَّهُ بِهِ خَيْرًا

يُفَقِّهْهُ فِي الدِّينِ ». (مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ).

Яъни, Муовия розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: *“Аллоҳ кимга яхшиликни ирода этса, уни дин ишида фақиҳ қилиб қўяди”*, дедилар”. (Муттафақун алайҳ)

Ушбу ҳадисга кўра, илм эгалари улуғ фазилат эгаси экани, маълум бўлади.

Ҳақимлар айтган экан: “Кимда-ким ўзининг билмаслигини яшириб, илм олишдан бош тортса ёки касалини яшириб, даволанишдан бош тортса, у ўзига ўзи хиёнат қилибди”.

Чунки диний иш бўлсин ёки дунёвий иш бўлсин, унга билмасдан киришган кишининг фойдасидан кўра зарари кўпроқ бўлади.

عَنِ الرَّنَجِيِّ بْنِ خَالِدٍ؛ قَالَ: دَخَلْنَا عَلَى الزُّهْرِيِّ وَنَحْنُ غِلْمَانٌ، فَقَالَ لَنَا: اَطْلُبُوا الْعِلْمَ؛ فَإِنْ
أَرَدْتُمْ الدُّنْيَا نَلْتُمْ، وَإِنْ أَرَدْتُمْ الْآخِرَةَ نَلْتُمْ.

Занжий ибн Холид айтади: “Болалик пайтимизда Зухрийнинг ҳузурига кирган эдик, у зот бизга: *“Илм талаб қилинглар. Шунда сиз дунёни истасангиз унга етишасиз, охиратни истасангиз ҳам унга етишасиз”*, дедилар”.

Мухтарам жамоат! Ислом дини инсоннинг дунё ҳаёти учун лозим бўлган барча илмларни ўрганишни фарз даражасига кўтарган диндир. Масалан, тиб ёки ҳисоб илмини олайлик. Бу илмларсиз инсон ҳаётини саодатли кечишини тасаввур қилиб бўлмайди. Бошқа дунёвий илмлар ҳам худди шулар кабидир. Бу илмлар фарзи кифоя ҳисобланади. Бу илмлар билан машғул бўлаётган кишилар фарз ибодатини бажаряпман деган ниятда машғул бўлишса, дунёвий манфаатларни кўлга киритишдан ташқари, улкан ажр-савобларга ҳам эришадилар.

Худди шунингдек, турли ишлаб чиқариш ва саноатга доир илмлар ҳам фарзи кифоядир. Демак, ҳозирги замонда мусулмонлар фан-техника соҳасида ҳам барча дақиқ илмлардан кифоя қилиш даражасида билишлари зарур бўлади. Чунки давлатнинг куч-қудрати, ўзга давлатларга қарам бўлиб қолмаслиги илм-фаннинг ривожини ва тараққиётига боғлиқдир.

Ислом дини илм фанга тарғиб қилиб, унинг ҳукмини фарз даражасига кўтарар экан, бу ҳукм аёл қизларни ҳам четлаб ўтмаган. Чунки жамиятнинг ярмидан кўпини аёл-қизлар ташкил қилади. Уларни илмсиз қолдириш жамиятни илмсиз қолдириш демакдир. Айниқса, келажак авлод тарбияси аёл-қизларимизга боғлиқдир. Улар билимли бўлишса, улар тарбиялаган авлод ҳам билимли бўлади. Улар одобли бўлишса, улар тарбиялаган авлод ҳам одобли бўлади.

Ривоят қилинишича, бир киши ҳақимлардан бирининг ҳузурига келиб: *“Ҳазрат, менинг бир ўғлим ва бир қизим бор. Улардан ҳар иккисини ўқиштишига қурбим етмайди, фақатгина биттасини ўқитишига имконим бор, қайси бирини ўқитай?”*, деб сўрабди. Шунда ҳақим зот: *“Қизингни ўқит, чунки у келажакда фарзанд тарбия қилади. Агар ўғлингни ўқитсанг, бир кишини ўқитган бўласан, аммо қизингни ўқитсанг, бутун бир жамиятни ўқитган бўласан”*, деб жавоб берган экан. Қанчадан-қанча алломаларни оналари тарбиялагани ҳеч биримизга сир эмасдир.

Мухтарам жамоат! Биз фарзандларимизни, айниқса, қизларимизнинг таълим ва тарбиясига катта аҳамият қаратишимиз лозимдир. Жамиятнинг салоҳияти ва равнақи унинг илмга бўлган муносабати билан ўлчанади. Дарҳақиқат, қайси жамиятда илмга ташналик сусайса, илм ўрганишга эътибор камайса, ўша жамият тараққиётдан ортда қолади. Энг ёмони, у маънавий инқирозга ёки ҳалокатга юз тутиши муқаррардир.

Ҳар қандай жамиятнинг олимлари, зиёлилари, айниқса, ота-оналар миллатнинг маънавий дунёси қашшоқланмаслиги, ахлоқи бузилмаслиги, сохта ва бузғунчи эътиқодлар ва маданиятлар таъсирига тушиб қолмаслигига масъулдирлар. Фарзандларимизга мактабга бориб таълим олишнинг ибодат эканини билдиришимиз керак. Устоз, ўқитувчи ва мураббийлар ҳам ўзларига юклатилган бурч ва масъулиятни яхши англаб, таълим ва тарбияни пухта олиб боришлари керак бўлади. Мактабда берилаётган дарсларни пухта ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш ҳар бир ота-она ва устозларнинг масъулиятидир. Уларни ўз ҳолларига ташлаб қўйиб, қаерда юргани, кимлар билан ўртоқлашаётгани, нималарга қизиқаётганидан огоҳ бўлмасликнинг оқибати аянчли бўлади. Аллоҳ асрасин!

Илмнинг шарафи ҳақида Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қуйидаги ҳадислари ҳам далолат қилади:

عَنْ أَبِي وَقْدِ الْحَارِثِ بْنِ عَوْفٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَيْنَمَا هُوَ جَالِسٌ فِي الْمَسْجِدِ، وَالنَّاسُ مَعَهُ، إِذْ أَقْبَلَ ثَلَاثَةٌ نَفَرٍ، فَأَقْبَلَ اثْنَانِ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَذَهَبَ وَاحِدٌ؛ فَوَقَفَا عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. فَأَمَّا أَحَدُهُمَا فَرَأَى فُرْجَةً فِي الْحَلْقَةِ فَجَلَسَ فِيهَا، وَأَمَّا الْآخَرُ فَجَلَسَ خَلْفَهُمْ، وَأَمَّا الثَّلَاثُ فَأَدْبَرَ ذَاهِبًا. فَلَمَّا فَرَغَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَلَا أُخْبِرُكُمْ عَنِ النَّفَرِ الثَّلَاثَةِ: أَمَّا أَحَدُهُمْ فَأَوَى إِلَى اللَّهِ فَأَوَاهُ اللَّهُ إِلَيْهِ. وَأَمَّا الْآخَرُ فَاسْتَحْيَى فَاسْتَحْيَى اللَّهُ مِنْهُ، وَأَمَّا الْآخَرُ، فَأَعْرَضَ، فَأَعْرَضَ اللَّهُ عَنْهُ». (متفقٌ عَلَيْهِ).

Яъни, Абу Воқид ал-Ҳорис ибн Авф розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамлар билан бирга масжидда ўтирган эдилар. Шу пайт уч киши кириб келди. Иккитаси Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қараб юрди, биттаси эса кетиб қолди. Шунда у иккиси Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тепаларида туриб қолишди. Улардан бири даврада бўш жойни кўриб, ўша ёрға ўтирди. Наригиси эса одамларнинг орқа томонига ўтирди. Учинчиси эса орқасига қайтиб кетди. Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фориф бўлгач: *“Сизларга бу уч киши ҳақида хабар берайми? Уларнинг бири Аллоҳдан бошпана сўраган эди, Аллоҳ унга бошпана берди. Наригиси ҳаё қилганди, Аллоҳ ҳам ундан ҳаё қилди. Бошқаси эса юз ўғирди, Аллоҳ ҳам ундан юз ўғирди”*, дедилар”. (Муттафақун алайх).

Ушбу ҳадисда илм даврасига қўшилган кишини Аллоҳдан бошпана сўради, дейилди. Аслида, зулм, хавф-хатар ва тазйиқларда бошпана сўралади. Демак, жаҳолат бу - зулм ва хавф-хатар экан. Бундан қутилишнинг ягона йўли эса илм олишдир. Фақат илм билангина Аллоҳ таолодан бошпана сўралади. Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳнинг *“Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай!”*, деган маънода машҳур сўзлари ҳам бор.

Шундай экан, илм ҳалқасига қўшилиш ва доимий илм излаш лозим бўлади. Чунки илм ўқиган киши Аллоҳнинг паноҳида бўлади. Шунингдек, илмдан юз ўгириш Аллоҳдан юз ўгириш экан. Аллоҳнинг ҳузуридан бошпана топмоқчи бўлсак, унутмайликки, бу нарсага илмсиз эришиб бўлмайди.

Мухтарам намозхонлар! Қуръон уммати, Илм уммати, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам уммати бўлган биз мусулмонлар учун илмсиз қолиш ордир. Чунки буларнинг барчаси илмга даъват қилади. Биз агар илм ўқимасак,

фарзандларимизни илмга қизиқтирмасак, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматимиз деган даъвои нима билан исботлаймиз!?

Бир олим айтган экан: *“Агар бирор қимматли нарсангизни ҳеч ким топа олмайдиган жойга беркитмоқчи бўлсангиз, китобнинг орасига солиб қўйинг, чунки бугунги одамлар китоб очмайдиган бўлиб кетишиди”*.

Муҳтарам жамоат! Дунёда ҳам, охиратда ҳам инсонга илмдан кўра кўпроқ фойда келтирадиган нарса йўқ. Жаҳолатдан-да кўра зарар берувчи нарса ҳам йўқ. Али розияллоҳу анҳу айтган экан: *“Инсонларнинг энг қадри ози – илми озидир”*, деганлар.

Илмсизлик, жаҳолат инсониятни тубанликка, ҳалокатга олиб бориши муқаррар. Инсонлар илм орқали парвардигорларини танийдилар. Охирати ва дунёсини илм билан обод қилади.

Алҳамдулиллаҳ, юртимизда барча соҳада китоблар нашрдан чиққан ва чиқмоқда. Масалан биргина диний соҳани олсак, тафсир, ҳадис, фикҳ, ақида, улумул-қуръон, усул-фикҳ, ҳатто грамматика фанига ҳам оид бўлган кўплаб китоблар она тилимизда нашрдан чиққан. Биз фақат олиб ўқисак, кифоя. Биз фарзандларимизни китоб ўқишга тарғиб қилайлик. Фақат интернет билан чекланиб, илмни юзаки ўрганмасдан, китоб мутолаасига ҳам эътибор қаратайлик.

Илм олишга боғлиқ одоблар ҳам бор бўлиб, уларни билиш учун шунга тегишли бўлган китобларни ўқиб ўрганайлик. Фарзандларимиз илм-маърифатли бўлишида энг катта масъул биз ота-оналар эканимизни зинҳор унутмайлик.

Аллоҳ таоло юртимизни тинч-омон қилсин. Илм ва тарбия йўлида хизмат қилаётган ва унга ташаббус кўрсатётган барча раҳбар ва ходимларимизни, устоз ва мураббийларимизни эзгу мақсадалрига муваффақ қилсин! Омин!

Муҳтарам имом домла! Масжидларда намоз вақтига қатъи риоя этиб, хусусан жума намозини белгиланган вақтдан ўтказмаган ҳолда адо этишингизни ва жума иш куни бўлганлиги учун намозхонларни қўп ушланиб қолишларига йўл қўймаслигингиз тавсия этилади!